

Ассалому алайкум хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Бугун кун тартибимизда 2 та хозирги кунда мухим ва долзарб бўлиб турган масалаларни муҳокама қилиб агентлик тизимидаги олиб борилаётган ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқишимиз лозим.

Хаммага кун тартиби таркатилган.

Биринчи масала хаммангизни хабарингиз бор 2014 йил декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган Фуқаро ва юридик шахсларни мурожаатларини кўриб чиқиш тўғрисидаги қонуни агентлик тизимида ижроси ва

Иккинчи масала бу коррупцияга қарши қабул қилинган дастурни агентлик тизимда ижросини ташкил этиш ва уни ўз вақида ва сифатли бажарилишини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Бугунги йиғилишга Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг масъул ходими ҳамда Ижтимоий фикр идорасидан таклиф қилинганлар.

Ман уйлайманки бугунги семинарда сўзга чиқадиганлар ва агентликнинг шу йиғилишдаги мутахассислари ўзларни қизиқтирган саволларига жавобларини олишади ва бугунги семинаримиз очиқ мулоқат тарзида бўлади деб уйлайман.

Энди қисқача бу борадаги ишларга тўхталадиган бўлсак,

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида иқтисодий либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2012-2014 йилларда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрирда)", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Рақобат тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида" ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Яна бир катта Фармонга сизларни эътиборингизни жалб қилмоқчиман, бу Президентимиз томонидан 2015 йил 15 майда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон билан чора-тадбирлар дастури қабул қилинди ва яна бир қатор тадбиркорлик субъектларига қулайликлар ва шароитлар яратиб берилди. Биз ҳам назорат органи бўлганимиз учун бу фармони барча талабларини бажаришимиз шарт бўлади. Битта мисол қилиб айтиш лозим олдин тадбиркорлик субъектида 30 кун текширув амалга оширилган бўлса бу фармон билан уни муддати 10 кун этиб белгилангади. Бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни ўзимизга устувор йўналиш қилиб белгилаб олишимиз зарур бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хориж сармояси иштирокидаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни бажарилишини таъминлашимиз зарур.